

“Интеллектуал-2018” танлови ғолиблари тақдирланди

✘ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3855-сонли қарори ижросини таъминлаш, инновацион фаолият соҳасида ёш олимлар, ихтирочиларнинг фаолиятини кучайтириш мақсадида энг яхши интеллектуал мулкни аниқлаш ва уларнинг муаллифларини рағбатлантириш йўли билан технология ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқиш мақсадида Институт профессор-ўқитувчилари ўртасида 2018 йилнинг октябрь ойида “Интеллектуал-2018” танлови эълон қилинган эди. Танловга жами 38 та илмий-инновацион ишланмалар танловга тақдим этилди. Институт профессор-ўқитувчилари ўртасида ташкил этилган “Интеллектуал-2018” танловининг якуний босқичи 2019 йилнинг 10 январида ўтказилди. Танловда қуйидаги номинациялар бўйича профессор-ўқитувчилар қатнашишди ва ғолибликни қўлга киритишди:

а) “Энг яхши ихтиро” номинацияси бўйича

1-ўрин - “Органик чиқиндиларни қайта ишлаш усули ва уни амалга ошириш қурилмаси” ишланмаси учун лойиҳа раҳбари, Усмонов Камолiddин Эшқуловичга берилиб, институт ректорининг 2019 йил 22 январдаги 74 А/Ф-сонли буйруғига асосан бир миллион сўм пул мукофоти билан рағбатлантирилди.

б) “Энг яхши фойдали модел” номинацияси бўйича

1-ўрин - “Грунтнинг сув бериш коэффициенти аниқлаш асбоби” ишланмаси учун, лойиҳа раҳбари Бакиев Машариф Рўзметовичга берилиб, бир миллион сўм пул мукофоти билан рағбатлантирилди.

2-ўрин - “Яримўтказгичли координатли сезувчан детектор” ишланмаси учун, лойиҳа раҳбари Тошмурадов Ёрқин Қаҳрамоновичга берилиб, 800 минг сўм пул мукофоти билан рағбатлантирилди.

в) “Энг яхши ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базаси” номинацияси бўйича

1-ўрин - “BNDRP и BNDRPZ..Вычисления определителей ленточной матрицы для призматических конструкций с упругими и вязкоупругими характеристиками” ишланмаси учун, лойиҳа раҳбари Мирсаидов Мирзиёдга берилиб, бир миллион сўм пул мукофоти билан рағбатлантирилди. ✘

2-ўрин - “ASVOO1-PL. Собственные колебания вязкоупругих осесимметричных оболочечных конструкций” ишланмаси учун, лойиҳа раҳбари Мавланов Тулқин Мавлановичга берилиб, 800 минг сўм пул мукофоти билан рағбатлантирилди.

3-ўрин - “Турли усуллар билан ер ресурслари қийматини баҳолаш учун дастур” ишланмаси учун, лойиҳа раҳбари Абдуллаев Зафар Сайфутдиновичга берилиб, 500 минг сўм пул мукофоти билан рағбатлантирилди.

3-ўрин - “Программа для расчета расхода воды водосливов Томпсон и Чиполетти” ишланмаси учун, лойиҳа раҳбари Ирисматова Азиза Исроиловнага берилиб, 500 минг сўм пул мукофоти билан рағбатлантирилди.

г) “Яратилган ЭҲМ дастури” номинацияси бўйича

1-ўрин - “Ерларни текислашда тупроқ зичлигини тенг тақсимланиш коэффициенти аниқлаш” ишланмаси учун, лойиҳа раҳбари Шайманов Низомиддин Омонқуловичга берилиб, бир миллион сўм пул мукофоти билан рағбатлантирилди.

д) “Энг яхши муаллифлик ҳуқуқи” номинацияси бўйича

1-ўрин - “Қурилиш машиналари фанидан электрон дарслик” ишланмаси учун, лойиҳа раҳбари

Имомов Шавкат Норбоевичга берилиб, бир миллион сўм пул мукофоти билан рағбатлантирилди.

Танловнинг ўтказилишида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Инновацион кенгаши, Инновацион жамғармаси, Илмий инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўлими ташкилотчилик қилди.